КУТУБХОНАСИ


ТАСВИРИЙ САНЪАТДА БУЮК МУТАФАККИР СИЙМОСИ — 2-бет

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ — 3-4-5-бетлар

ЗИЙРАК БОБО НИМА ДЕЙДИ? — 6-бет

САВОЛЛАРИНГИЗГА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ЖАВОБ БЕРАДИ — 7-бет



ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 26 (10.079) / 2004 ЙИЛ 6 ФЕВРАЛЬ


*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## МАҲСУЛОТЛАР, ХОМ АШЁ ВА МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ЮҚОРИ ЛИКВИДЛИ ТУРЛАРИНИ СОТИШНИНГ БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Маҳсулотларни сотишнинг бозор принциплари ва механизмларини кенг жорий этиш, марказлаштирилган тақсимлаш тизимини тугатиш, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий-техника ресурслари олиши учун тенг шарт-шароитлар яратиш, бозор нархлари шаклланитирилиши механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1 Қуйидагилар:

республика истеъмолчилари ўртасида лимитлаштириш тақсимлаш тўлиқ тугатиладиган маҳсулотлар турлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

махсус белгиланадиган тартиб бўйича сотиладиган моддий-техника ресурсларининг стратегик турлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Моддий-техника ресурсларининг стратегик турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ;

Маҳсулотларни сотишнинг бозор механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Пахта толасини бозор талабларидан келиб чиқиб сотиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 3 июндаги 240-сон қарори билан белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2 Белгилансинки:

1 ва 2-иловаларга мувофиқ рўйхат бўйича маҳсулотларни биржа ва кимошди савдоларига қўйиш белгиланган тартибда тасдиқланадиган тегишли моддий балансларда ушбу мақсадлар учун назарда тутилган ҳажмларга мувофиқ йил давомида тенг равишда амалга оширилади;

биржалар 1 ва 2-иловаларга мувофиқ сотилган маҳсулотларнинг ўртача биржа нархи котировкаларини, кимошди савдоларида шаклланган нархларни эса - савдо якунларига кўра ҳар ҳафтада очиқ матбуотда ва Интернет тармоқларидаги ўз саҳифаларида эълон қилишлари шарт;

монополист корхоналарнинг 1 ва 2-иловаларга киритилган маҳсулотлари ички бозорда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича охирги санада эълон қилинган биржа (кимошди савдолари) котировкаларининг ўртача нархлари бўйича сотилиши мумкин;

монополист корхоналар томонидан монопол маҳсулотлар биржа савдолари ва кимошди савдолари орқали, шунингдек биржа (кимошди савдолари) котировкаларининг ўртача нархлари бўйича тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотилган тақдирда эълон қилинган чекланган нархни ошириб юборганликлари учун уларга монополияга қарши қонун ҳужжатларида назарда тутилган жазолар қўлланилмайди.

Биржа савдоларида (кимошди савдоларида) ва тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотиб олинган 1 ва 2-иловаларга мувофиқ маҳсулотларга (электр энергияси ва табиий газ бундан мустасно) шартномалар ҳақини олдиндан тўлиқ тўлаш ёки товарларни етказиб бериладиган ҳар бир туркуми учун чақириб олинмайдиган аккредитив қўйиш шартларида тузилади.

Давоми 2-бетда.

***Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) кам сонли миллатлар ишлари бўйича олий комиссари Ролф Экеус 5 февраль куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.***

## ЕХҲТ ОЛИЙ КОМИССАРИ ТОШКЕНТДА

Суҳбат чоғида мамлакатимизда истиқомат қилаётган бир юз йигирмадан ортиқ миллат ва элат вакилларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, миллий урф-одатларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, аҳиллик, диний бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр алмашилди.

ЕХҲТ олий комиссари Ўзбекистон ҳукуматининг бу йўлдаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо бериб, этник жиҳатдан хилма-хил Марказий Осиё минтақасида яшаётган халқлар ўртасидаги биродарлик ришталарини мустаҳкамлашда мамлакатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг аҳамияти беқиёс эканини таъкидлади.

Учрашувда, шунингдек, томонлар Ўзбекистон-ЕХҲТ ҳамкорлигини янада ривожлантириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Р.Экеуснинг Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Р.Жўраев билан учрашувида мамлакатимизда кам сонли миллатлар вакилларининг таълим олиши, китоблар, жумладан, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминланиши борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида гап борди.

ЕХҲТ олий комиссари Ўзбекистон Байналмилал маданият марказида бўлиб, ушбу муассаса фаолияти билан яқиндан танишди. Меҳмона мамлакатимизда мавжуд бир юз ўндан ортиқ миллий-маданий марказ фаолияти, уларнинг самарали ишлаши учун яратилаётган шарт-шароит, мазкур марказлар томонидан амалга оширилаётган дастур ва лойиҳалар хусусида гапириб берилди.

**Бобур СОБИРОВ**
**ЎзА**

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2003 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, Меҳр ва мурувват йилида бажариладиган юмушлар режаси белгилаб олинди.**

**• Тошкентда мамлакатимиздаги барча академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ахборот-телекоммуникация технологиялари бўйича мутахассислар тайёрлашга қаратилган лойиҳа доирасида семинар ташкил этилди.**

**• Самарқанд шаҳар ҳокимлигида шаҳарнинг келгуси истиқболларини белгилаш, унинг бош лойиҳасини яратишга бағишланган йиғилиш ўтказилди.**

**• Наманганда Фарғона водийси кардиолог шифокорларининг минтақавий анжумани бўлиб ўтди.**

**• Самарқанддаги «Ёшлар маркази»да вилоятдаги ширкат ва фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалигига дахлдор идора ва ташкилотлар раҳбарларининг бир ҳафталик ўқув семинари бошланди.**

**• Учкўприк туманида Меҳр ва мурувват йилида «Фахрийлар уйи» қурилиб фойдаланишга топширилди.**

### Жаҳонда

**• Италия Бош вазири Сильвио Берлускони етакчилик қилаётган «Олға, Италия!» партияси мамлакат парламентига янги қонун лойиҳасини тақдим этди. Унга кўра, ёшлар ва ўсмирларнинг сиёсий намойишлар ва ҳар хил сиёсий акцияларда қатнашиши ман этилади.**

**• Кеча Австралиядаги Сидней шаҳри метроси тоннелларида табиий газ тарқалгани туфайли метрополитен ҳозирча ёпиб қўйилган.**

**• Ванкувер федерал суди томонидан хитойлик собиқ фуқаро — йирик кўламда амалга оширилган молиявий қаллоблик ташкилотчиси Ле Шангксенгнинг ўзига ва оила аъзоларига сиёсий бошпана сўраб қилган илтимоси рад этилди.**

**• Ядровий технологияларни Шимолий Корея, Эрон ҳамда Ливияга етказишда айбланаётган покистонлик ядрошунос олим Абдул Қодир Хон ўз қилмишларига тўлалигича иқрор бўлди.**

**• Expo Aviation авиакомпаниясига қарашли юк самолёти Шри-Ланка пойтахти Коломбодаги халқаро аэропортга ёпиқ шассилар билан эсон-омон қўнишга муваффақ бўлди.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

• **БУГУН** Темурийлар тарихи Давлат музейида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман бўлими Кенгаши ва «Қўштут» гузарида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Собир Раҳимов туман бўлими Кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтди.

• **БУГУН** Тошкент темир йўл транспорти коллежида ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар иштирокида «Алишер Навоий—шеърият султони» мавзуида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир Миробод туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» марказининг Миробод туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

• **РЕСПУБЛИКА** «Маҳалла» жамғармаси, Конрад Аденауэр номли халқаро жамғарма ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликлари жамғармаси ҳамкорликларида маҳаллалар оқсоқоллари иштирокида уюштирилган семинар маҳаллада менежмент ва тадбиркорликни ёшларга ўргатиш масаласига бағишланди.

• **БУГУН** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида жаҳон стандартлари даражасидаги малакага эга бўлган мутахассисларни тайёрлашда олий таълим муассасалари ва истеъмолчи корхоналар ҳамкорлигини янада такомиллаштириш» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

• **БУГУН** Замонавий санъат марказида Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Виктор Гюго номидаги маданият маркази ҳамкорлигида Франциянинг 10 та комик рассомлари яратган расмлар кўргазмаси очилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

# МАҲСУЛОТЛАР, ХОМ АШЁ ВА МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ЮҚОРИ ЛИКВИДЛИ ТУРЛАРИНИ СОТИШНИНГ БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

3. 2004 йил 1 апрелдан бошлаб қуйидагича тартиб жорий этилсин, унга кўра:

табиий газ истеъмолчилари (аҳоли, бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва 5-иловага мувофиқ корхоналардан ташқари) тузилган шартномаларга мувофиқ берилган табиий газ ҳақини тўлиқ тўлаган ҳолда, навбатдаги календарь ой бошлангунга қадар шартномаларда назарда тутилган ресурслар ҳажмининг камида 30 фоизи учун аванс тариқасида ҳақ тўлайдилар;

бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва 5-иловага мувофиқ корхоналар тузилган шартномаларга мувофиқ олинган ресурслар ҳақини тўлиқ тўлаган ҳолда, навбатдаги календарь ой бошлангунга қадар шартномаларда назарда тутилган ресурслар ҳажмининг камида 15 фоизи учун аванс тариқасида ҳақ тўлайдилар;

аҳоли истеъмол қилинган табиий газ учун ой тугагандан кейин 10 кун мобайнида, ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича ёки белгиланган нормативлар бўйича ҳақ тўлайди.

Белгилаб қўйилсинки, 5-иловага мувофиқ корхоналарга ҳақи тўланмаганлиги учун табиий газ беришни қисқартириш белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва авария брони даражасигача, табиий газ беришни тўлиқ узиб қўйиш эса — фақат суд қарорига биноан амалга оширилиши мумкин.

4. Белгилаб қўйилсинки, истеъмолчилар томонидан 2-иловага киритилган, белгиланадиган нархлар бўйича сотиб олинган маҳсулотдан фақат ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилади ва улар қайта сотилмайди.

Белгиланадиган нархлар бўйича сотиб олинган ресурслар истеъмолчилар томонидан қайта сотилиши ҳоллари аниқланган тақдирда қайта сотишдан олинган даромад бюджетга олиб қўйилади ва олинган даромад суммасининг 100 фоизи миқдорида жарима солинади, жарималар суммаси бюджетга ўтказилади.

Ресурсларни қайта сотиш ҳолларига йўл қўйган корхоналар раҳбарлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликка тортиладилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси, «Ўздавнефтгазинспекция», «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси, Олмалиқ кон- металлургия комбинати, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзиккиламчиранглиметалл» очиқ акциядорлик жамияти, «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзэлтехсаноат» ва «Ўзпахтасаноат» уюшмалари, ишлаб чиқарувчи корхоналар билан биргаликда бир ой муддатда 1 ва 2-иловаларга киритилган маҳсулотларнинг ҳар қайси тури бўйича маҳсулотни биржа ва кимошди савдоларига қўйиш ва сотишнинг пухталаштирилган тартибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар. Бунда тартибда шартнома мажбуриятлари бажарилиши, ўз вақтида ҳақ тўланиши ва шартнома интизомини бузганлик учун жарима белгиланиши устидан қатъий назорат қилиш механизми назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси лицензия битимларига мувофиқ биржа котировкалари ва кимошди савдолари нархлари ҳар ҳафтада оммавий ахборот воситаларида ўз вақтида эълон қилиниши ва уларнинг ишончлилиги устидан қатъий назоратни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 5 февраль

Изоҳ: Қарорда кўрсатилган иловалар ихтисослашган газета ва журналларда эълон қилинади.

*9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун*



# ТАСВИРИЙ САНЪАТДАН ЎЗ ЎРНИНИ ТОПМОҚДА

***Тўқсон ёшга яқинлашаётган, кўп йиллар ижоди қадрланмай мустақилликка эришганимиздан сўнг ҳақиқий мусаввир деб тан олинган, Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, кўплаб мусаввирларнинг устози, мураббийси, тарихий мавзулар ижодкори Малик Набиев буюк мутафаккир Низомиддин Мир Алишер Навоий қиёфасини ишлашга алоҳида эътибор қаратган.***

Дарҳақиқат, Навоий портретлари хусусида сўз борганда устоз мусаввир яратган «Алишер Навоий портрети» алоҳида ўрин тутади. Бу портрет 1967 йилда яратилган бўлса, кейинроқ навоийшунос олим Ҳамид Сулаймонов кўрсатмаларига ва маслаҳатларига кўра, Малик Набиев икки аллома, икки дўст «Навоий ва Жомий» портретларини ҳам маҳорат билан ишлаган. Улар тез орада Алишер Навоий музейи залларидан бирига қўйилганди. Қўш портретларда устоз ва шогирд икки дўстнинг саройдаги ҳолатлари, учрашувлари, самимий суҳбатлари ўз аксини топган. Ҳусайн Бойқаро шоҳлиги чоғида маданият равнақ топишида Навоийнинг ҳиссаси катта бўлган. Бундан шоҳ ҳам мамнун эди.

Мусаввир Малик Набиев Жомий устозлигида Навоийнинг кучи ва қудратини ушбу асарда ёритиб берган. Асар қабул қилинишида қаршиликларга учраган бўлса-да, Ҳамид Сулаймонов орқали ҳақиқат юзага чиққан.

1967 йилдаги «Алишер Навоий портрети» бирорта Навоий қиёфасини эслатмайди. Бу ҳақиқий ўзбек Навоийси эди. Замонавийлик, европача томонлар сезилмаганидан бўлса керак, мусаввирнинг бу асари эътибордан четда қолаверди. Малик Набиев бошқа мавзулар билан банд бўлиб, ижоддан бир нафас ҳам тўхтамади. Эталон сифатида бошқа бир Навоий қиёфаси қабул қилинганди. Малик аканинг кейинчалик Навоий музейи олган ихчамгина ишланган «Навоий портрети» рангтасвирларига эътиборимни жалб этарканман, эндиликда ушбу асарлар ўттиз олти йилдан сўнг, тўла миллий қиёфада жонланиб, тасвирий санъатимиздан ўз ўрнини топаётганидан беҳад мамнун бўлдим. Бу Навоий бобомизнинг ҳали ёш, куч-қудратга, ғайратга, ижодга тўлган ҳолатларидир. Кўриниши, кийиниши, ўтириши барча-барчаси миллийликдан ҳикоя қилмоқда. Мутафаккир шоир, буюк аллома ижод устида, ғазалми ёки достонми ёзмоқда...

Ҳаётини бир умр Навоий қиёфасини яратишга бағишлаган ажойиб портретчи Абдулҳақ Абдуллаев ҳам 32 йил давомида Навоий қиёфаси устида изланиб, ниҳоят мустақилликка юз тутганимиздан сўнггина мақсадларига эришди. Ҳақиқий портретчи мусаввир эканлиги тан олинди.

Ўйлаймизки, келгусида буюк мутафаккир Алишер Навоий қиёфаси иқтидорли ёш мусаввирларимиз томонидан ҳам ўзига хос талқинларда яратиб борилади.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ,**
**санъатшунос.**

**СУРАТДА: Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиев ижодига мансуб «Навоий ва Жомий» портрети.**

***Бундан икки ярим йил муқаддам иш бошлаган «Камолот» ЁИҲини фаолиятининг илк кунлариданоқ Юртбошимиз қўллаб-қувватлаб, «Камолот» ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин», деб тилак билдирган эдилар.***

*«Камолот»*

# ТАКЛИФ ВА ИСТАКЛАР ИНОБАТГА ОЛИНДИ

Хўш, камолотчилар ўтган вақт ичида қандай ишларни амалга оширдилар? Ютуқлар ва муаммолар сарҳисоби нималарни кўрсатмоқда? Кеча «Камолот» ЁИҲ Акмал Икромов туман бўлими Кенгашида ёшларнинг қизғин қўллаб-қувватлаши, билан ўтган ҳисобот-конференциясида ушбу саволлар ечими ойдинлашди.

Шаҳримиздаги олий ўқув юртлари, коллеж, лицей ва мактаблардаги энг фаол ёшлардан сайланган 165 нафар делегат, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган ушбу анжуманда дастлаб «Камолот» ЁИҲ Акмал Икромов туман Кенгаши раиси Азиз Эргашев ва туман Кенгаши назорат-тафтиш комиссияси раиси Алимардон Ҳожиевларнинг ўтган даврдаги умумий фаолият ва амалга оширилиши лозим бўлган навбатдаги вазифалар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Иккала ҳисобот юзасидан музокарада сўз олган делегатлар, туман ҳокимлиги вакиллари ютуқлар билан бирга ҳали ечимини топмаётган камчиликлар ҳам мавжудлиги, уларни бартараф этиш йўлидаги таклиф ва истакларни баён этдилар.

— Мана шундай ҳисобот-анжуманларни тез-тез ўтказиб, қилинаётган ишларга назар ташлаб туриш жуда ҳам керак, — дейди анжумандан кўнгли тўлиб қайтаётган туман «Посбон» маркази раиси Исмоил Кузгибоев. — Тошкент шаҳар Кенгашига делегатлар сайланишида, назорат-тафтиш комиссиялари аъзоларининг кўриб чиқилиши ва бошқа жараёнларда ёшларнинг фикри ҳисобга олиниши улкан аҳамиятга эга. Ёшларнинг анжумандан бир олам таассурот билан қайтаётганларини кўришнинг ўзи эса мароқли.

* * *

Маълумки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор тумани бўлими Кенгаши 2001 йил май ойида таъсис этилган эди. Ўтган вақт мобайнида ҳаракатнинг туман бўлими Кенгаши томонидан ёшларни «Камолот» сафига жалб этиш билан бирга уларнинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган кўплаб ишлар амалга оширилди. Кеча ана шу ишларни сарҳисоб қилиш юзасидан ҳисобот йиғилиши ўтказилди.

Конференцияда ҳаракатнинг туман бўлими Кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам алоҳида эътироф этиб ўтилди.

— Бугун биз ёшлар учун ҳаяжонли дақиқалар кечяпти, десам янглишмайман. — Чунки ушбу кунда биз ўзимизнинг йўл бошловчиларимизни, яъни туманимиз ёшларини бир мақсад атрофида бирлаштира оладиган, жонкуяр, интилувчан, бизни ҳар доим қўллаб-қувватлайдиган кенгаш раисларимиз ҳамда етакчиларни номзодликка сайлаймиз,-дейди 90-мактаб «Камолот» сардори Тахмина Атаханова.

—Биз ёшлар бугунги конференцияда ҳар биримиз ўз хоҳишимиз билан номзодларга овоз бердик,—суҳбатга қўшилди 281-мактаб «Камалак» болалар ташкилоти сардори Шоҳиста Имомназарова.—Келгусида улардан умидимиз катта. Биз биргаликда янада кўпроқ ишларни амалга оширишни режалаштириб қўйганмиз. Ўйлаймизки, туманимиздаги барча ёшлар ҳамжиҳатликда ҳаракат қилсак, кўзлаган мақсадларимиз сари олға интиламиз.

Ёшларнинг якдиллик билан берган овозларига кўра Феруз Каримов «Камолот» ЁИҲ Чилонзор тумани бўлими Кенгаши раиси этиб қайта сайланди. Йиғилиш давомида туман Кенгаши назорат тафтиш комиссияси аъзолари Тошкент шаҳар Кенгаши конференциясига делегатлар ҳам сайланди.

**(Ўз мухбирларимиз)**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб домо бўлур...

• Ҳақиқат ёғдусига ҳеч қандай булут бардош беролмайди. Ҳақиқатга қарши ҳаракат — энг ярамас ва жирканч ҳаракатдир.

• Туз ичган жойингга — қирқ кун салом қил.

• Туз ичиб тузлуққа тупурма.

• Тўғрилик одамни балодан қутқаради.

ҲИКОЯТ. Бир ўғри қоронғу кечада ер остидан лаҳм кавлаб, подшоҳнинг хазинасига киради. У ердаги олтин ва қимматбаҳо гавҳарлардан бир рўмолни тўлдириб олади. Чиқиб кетиш олдидан олмосдек ялтираб турган бир нарсага кўзи тушади. Қоронғу тунда ялтироқ турган бу нарсани гавҳарий шамчироқ деб ўйладида, қўлига олиб ялаб кўрди. Бу — қотиб қолган туз эди. Ўғри олган нарсаларини жой-жойига қўйиб, ҳеч нарса олмай, лаҳм орқали чиқиб кетади. Эртаси эрталаб хазиначи подшоҳга келиб:

— Ўғрилар лаҳм кавлаб хазинага кирганлар. Қизиғи шундаки, ўғриланган қимматбаҳо нарсаларини яна жой-жойига қўйиб чиқиб кетганлар, — деб арз қилди.

Подшоҳ бунга таажжуб қилиб:

— Лаҳм кавлаб хазинага кириб, қимматбаҳо нарсалардан биронтасини ҳам олмай чиқиб кетган ўғрилар, келиб бунинг сабабини айтсинлар. Мен уларга ҳеч қандай жазо бермайман, — деб эълон қилди.

Хазинага кирган ўғри подшоҳнинг эълонини эшитиб унинг ҳузурига келди ва таъзим қилиб айтди:

— Хазинангизга лаҳм кавлаб фақат мен ўзим кирдим, бунга бошқаларнинг дахли йўқдир.

Подшоҳ ўғридан:

— Хўп, шунча меҳнат қилиб, хазинамга кирган-сан-у, ҳеч нарса олмай чиқиб кетганингни боиси надур? — деб сўради.

Ўғри айтди:

— Подшоҳнинг тузини татиб кўрдим, туз ҳақига риоя қилиб ҳеч нарса олмай қайтиб кетдим. Туз ҳақига риоя қилмаслик ярамас кишилар ишидир, — деб воқеани баён қилди.

Подшоҳ ўғрига инъом-эҳсон қилибди, уйига қайтишга рухсат берди.

• Сўз — буюк қудрат. Унинг замирида одамлар бирлашади, мамлакат обод, эл фаровон бўлади. Сўз кўзга кўринмас қуролдирки, тиғида адолат ва маърифат, яхшилик ва ёмонлик, меҳр-оқибат чархланади. Ёмон сўз нафақат қалбни, балки руҳни ҳам жароҳатлайди.

• Донишманд бобокалонимиз Юсуф Хос Хожиб айтганларидек, «Сўзни сўзламасанг, сенга қул бўлади, агар оғзингдан чиқарсанг, у сени қул қилади». Яна айтадиларки:

**Ҳамма сўзни сўз деб**
**гапирма узоқ,**
**Керак сўзни сўзла**
**бўлиб кўз-қулоқ.**
**Ўқимишлини кўрдим,**
**у оз сўзлади,**
**Талай сўзладим деб**
**ўкинди бироқ.**

# ИНСОНИЙ МУНОСАБАТЛАР БАРКАМОЛЛИГИ

***Оила маданиятини ривожлантириш "Баркамоллик" маркази Очиқ жамият институти – Сорос жамғармасининг Ўзбекистон инқирозий марказлар учун заҳира-ахборот услубий марказ хизматларини ривожлантириш лойиҳасини амалга оширмоқда.***

— Баъзан инсон ўз яқинларининг муносабатидан тушкунликка тушади, — деди марказ менежери Ирина Шокирова "Туркистон-пресс" мухбирига. — Тушкунликни енгиш учун бир маслаҳатгўйга муҳтож бўлади. Шуларни инобатга олган ҳолда республикамиз шаҳарларида ўттизта ишонч маркази ташкил этилди. Ушбу марказлар аёллар ва ўсмирларга, умуман, маслаҳатга муҳтож инсонларга ёрдам кўрсатади.

Оила маданиятини ривожлантириш "Баркамоллик" маркази 1999 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Марказ мутахассислари АҚШ, Германия ва Россияда таҳсил олишган ва амалиётда бўлишган.

Ўзбекистон инқирозий марказлар учун заҳира-ахборот услубий марказ хизматларини ривожлантириш лойиҳаси Сорос жамғармаси билан ҳамкорликдаги учинчи лойиҳа ҳисобланади. Биринчи лойиҳа 2001 йили оила психологиясининг асосчиси америкалик олима Вержини Сатирнинг "Вержини Сатир услуби бўйича психологик маслаҳатлар" китоби таржимаси бўлиб, у ўзбек ва рус тилларида чоп этилди. Шунингдек, республика инқирозий марказларида фаолият юритаётган психолог-маслаҳатчилар учун олти кунлик семинар машғулотини ўтказдик. Шундай тадбир Урганч, Самарқанд, Навоий, Фарғона, Жиззах шаҳарларидаги инқирозий марказ ходимлари ва кўнгиллилар учун ҳам ўтказилди.

— Инқирозий марказлардаги мутахассислар малакали ёрдам кўрсатишлари учун махсус дастурлар, керакли ахборотлар билан таъминланмаган эдилар, — дея сўзини давом эттирди И.Шокирова. — Бу борада халқаро жамғармалар кўп ишларни амалга оширди. Сорос жамғармаси марказга иккинчи лойиҳани таклиф қилди. Мазкур лойиҳа бўйича заҳира марказлари ташкил топди. Уларнинг асосий иши психолог-маслаҳатчилар учун ахборот қўлланмаларини чиқаришдан иборат. Шунингдек, йилда беш марта нашр қилинадиган "Оила альбоми" номли хабарнома чиқарила бошланди.

**Дилдора ТОИРОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ИНСОННИ ТИРИКЛИГИДА ҚАДРЛА

Яқин бир қариндошимизнинг тўсатдан оламдан ўтганини эшитиб, хонадонига бордик. Оиласи, болаларига таъзия билдириб, уларга сабр-бардош тиладик.

— Узоқ-яқин қариндошларимиз келишини кутамиз, марҳумни эртага пешин намозига чиқазамиз, — дейишганидан сўнг алламаҳалда уйга қайтдик.

Эртасига марҳумни сўнгги йўлга кузатишга борсак эшик олдида тумонат одам. Улар орасида кимлар йўқ дейсиз. Қўни-қўшнилар, дўстлар, яқинлар, ҳатто марҳумнинг тириклигида у билан чиқиша олмай, сану манга бориб юрганлар ҳам таъзия билдириб бош эгиб туришибди.

Жаноза ўқилиб, қабристон томон йўл олдик. Тобут қўлдан қўлга ўтиб борарди. Ҳамма- каттаю кичик, дўсту душман бирдек тобутни бир зум бўлсада елкасига олишга ошиқади. Марҳум гўристонга қўйилиб, устидан тупроқ тортилгач, фотиҳадан сўнг маҳалла фаолларидан бири туриб, йиғилганларга мурожаат қилди.

— Биродарлар, айтинглар, Саидолим қандай одам эди?

— Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, яхши одам эди, беозор эди. Ҳамма бир овоздан шу сўзни такрорлади.

Қабристондан қайтишда атайлаб Жобирбойнинг ёнига ўтдим. Сабаби у Саидолим билан ҳеч чиқиша олмасди. Иккала қўшни арзимас ер баҳона сан манга бориб қолишганди. Орадан неча йил ўтса ҳамки, уларнинг юлдузлари бир-бирига тўғри келмасди, кўча-кўйда, тўй-туркунларда учрашиб қолганларида ҳам қўл бериб сўрашиш у ёқда турсин, ҳатто бир-бирларига юзларини тескари буриб ўтишарди. Шундай юз кўрмас инсоннинг бугун маъракада елиб-югуриши, оила бошига тушган мусибатга чин дилдан қайғуриши мени ҳайратга солди. Секин уни гапга тутдим.

— Бечора ҳали ёш эди, эрта кетди. Болаларининг орзу-ҳавасини кўролмай армон билан кетди, — деди Жобирбой қайғуриб.

— Ишқилиб, бир-бирларингиз билан муносабатларингизни тўғрилаб олганмидиларинг? — сўрайман ундан.

— Йўқ, лекин мен ундан мингдан мингга розиман. Нима, биз отамизнинг молини талашибмизмидикки, кечирилмас гуноҳ қилиб қўйган бўлсак. Орамиздан арзимас гап-сўз ўтган эди холос. Мен кечириб юборганман уни.

Ўйланиб қолдим. Нега шунақа қиламиз-а, кўпинча инсоннинг тириклигида қадрига етмаймизда, ўлгандан кейин уни иззат-икром қилишга тушамиз. Ҳаётлигида унинг фазилатларини кўрмаган кўзимиз вафотидан сўнг ундаги беҳисоб ижобий томонларни илғай бошлайди. Нега? Нимага? Аслида унга бўлган ҳурмат-эҳтиромимизу, иззат-икромимизни тириклигида кўрсатсак яхши эмасми, азизлар? Бу ҳақда яна бир бор ўйланиб, мулоҳаза юритиб кўрсак бўларкан-да.

## ДОРИНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Дорихонадан ўзига зарур бўлган дори-дармонларни харид қилаётган ўрта ёшлардаги аёлнинг оғзидан беихтиёр: «Касал бўлгандан кўра ўлган яхши экан» деган сўзлар чиқиб кетди. Ҳайрон бўлиб унга тикилдик. Бугунги кунда шаҳримиз дорихоналарида барча шифобахш неъматлар бисёр бўлиб турган бир пайтда бу аёлнинг ношукрлигидан бироз ранжидик ҳам. Лекин «Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб экан». Қачонки дори харид қилиш навбати ўзимизга етганда аёл гапининг мағзини чаққандек бўлдик.

Пештахталарни тўлдириб турган дориларнинг нархи чақиб олгудек қиммат. Беш ампулали Церебрализин, бир қути Селкосерин, Кавентон учун салкам 20 минг сўм тўладик. Шу баҳона бизда баъзи дорихоналар иши, уларда сотилаётган маҳсулотларнинг баҳоси билан яқиндан танишиш истаги туғилди. Сафаримиз давомида билдикки, биз юқоридаги дориларни энг қиммат нархларда сотиб олган эканмиз. Бошқа дорихоналарда ўша препаратларнинг нархи анча арзон экан. Уларнинг нархини сўраб суриштирсак ўртадаги тафовут 6 минг 500 сўмни ташкил этди. Тавба, бунақа катта фарқни фақат биз эмас, ҳатто сиз ҳам ҳеч қачон кутмаган бўлсангиз керак. Бу хусусий дорихоналарда кузатилган баҳо. Шаҳар дорихоналар бошқармасига қарашли муассасаларда эса ўша дориларни ундан ҳам арзонроқ баҳода харид қилиш мумкин экан.

Ўйланиб қоласан киши. Агар буни рақобат деб аташ мумкин бўлса, бу рақобатнинг қайси турига киради? Ким ўзарликми ёки арзончилик? Назаримизда бу ерда арзончиликдан кўра кўпроқ даромад олиш мақсади ётганлигини ҳар бир тани соғ одам яхши тушунади.

Бир танишим шикоят қилиб қолди. «Олдин ҳар бир ҳудуднинг ўз ҳаммоми, дўкони бўлар эди. Қадамда сартарошхона хизмат кўрсатарди. Ҳозир уларнинг янгиларини очиш у ёқда турсин ҳатто эскилари ўрнида дорихоналар пайдо бўляпти. Сабаби, ҳар қандай хизмат кўрсатишдан кўра, дорихоналарнинг иши юришиб, улар билан шуғулланувчиларнинг ошиғи олчи бўлиб қолган», деганида биз: «Ҳамма учун ҳам дорихонада зарур-да. Оилада бирон-бир киши бетоб бўлиб қолса, биринчи навбатда дорихонага югурасан. Ахир у ёнгинангда бўлса нимаси ёмон», деб уни енгган эдик.

Энди билсак у ҳақ, дори савдосида иш кўп экан. Шунақа беш панжасини оғзига тиқувчи «доришунослар»га Вазирлар Маҳкамасининг дори-дармонларни сотишда муайян тартиб ўрнатиш ҳақидаги махсус қарорини яна бир бор эслатиб қўймоқчи эдик. Унда қайд этилишича, дорихоналарда улгуржи савдога чиқариладиган дорилар учун 20 фоиз, чакана савдога мўлжалланган препаратлар учун эса 25 фоизгача устама нарх қўйишга рухсат этилганини унутмаслик керак.

## «ЭРТАГА КЕЛИНГ»

Дунёда бировни кутган, соатлаб навбатда тургандан ёмони йўқ. Бунинг устига кутган одаминг келмай қолса ёки навбатинг аранг етганда ишинг битмай «Эртага келинг» деган гапни эшитсанг қандай аҳволга тушасан? Ўзингни қанчалик оғирликка олма, барибир кўнглинг ғашланиб асабийлашасан.

Иш жойимиз учун туман солиқ идорасидан «ИНН» қоғозини келтириш мақсадида ўз ҳудудимизда жойлашган солиқ идорасига бордик. Душанба куни соат 11 лар чамаси бу ерга келиб сўраб-суриштириб, бизга зарур бўлган ҳужжатни расмийлаштириб берадиган эшикка борсак тумонат одам. Навбат олишнинг ҳам, кутишнинг ҳам иложи йўқ.

— Яхшиси эртага эрталаб барвақт келганингиз маъқул, — дейишди навбатда турганлар. Биз ҳам бир ярим соатдан бери кутяпмиз. Ҳаливери навбатимиз келадиган кўринмайди. Ишқилиб тушликкача ишимиз битсинда бўлмаса яна қўшимча бир соат кутишимизга тўғри келади.

Ўша даргоҳга яна эртасига эрталаб соат 8.00 га етиб келдик. Барвақт бўлгани учун навбатда ҳаммаси бўлиб тўрт киши турган экан. Бешинчи бўлиб улар қаторидан жой олдик. «Қачон иш бошлайди булар» деган саволимизга турганлар: «Яна бир соатдан кейин», деган жавобни қайтарищди. Чидам билан кута бошладик.

Навбатдагилар сони дақиқалар сари кўпайиб борарди. Соат миллари тўққизга яқинлашганда 60 чоғли одам тўпланди. Навбатдан ташқари олдимизга яна саккиз киши тиқилди. Кейин билсак улар биздан олдинроқ навбат олиб кетишган экан. Ҳамма бетоқат. Кутилган муддат етиб келган бўлсада негадир ичкари эшик очилмасди.

— Вақт ўтиб кетди. Нега шу чоққача қабул қилишмайди. Эшикни тақиллатиб кўринглар, — орқадан кимнингдир овози эшитилди.

— Тақиллатдик, очишмаяпти.

Хуллас ўн дақиқа кечикиб қабул бошланди. Навбатимиз етиб паспортимизни рўйхатга олувчига узатдик. У керакли маълумотларни сўраб компьютерлар орқали нималарнидир солиштириб кўрди, кейин индинга, яъни пайшанба куни тушдан кейин келишимизни айтиб, паспортимизни қўлимизга тутқазди.

— Бир йўла керакли ҳужжатларни олиб кетишнинг иложи йўқми? — сўраймиз яна навбат кутиш азобини ўйлаб.

— Йўқ, — дейди назоратчи қатъий қилиб, — индинга келасиз тамом-вассалом.

Майли, яна навбат кутсак кутармиз, лекин ишқилиб ўша куни ишимиз битсин-да, — деган ҳадик билан ишхона томон йўл олдик.

*Турфа олам*

## АСРАШНИНГ НОЁБ УСУЛИ

Камёб касб соҳиби Эдхард Воннер Германияда яшайди. У таксидермист эди. Лекин Эдхард ҳибсга олинди. Нега дейсизми? У суд олдида ўзининг, «профессионал» айби бўйича жавоб берди. Жаноб Веннер ишдан бўш пайтларида автоҳалокат туфайли нобуд бўлган хотинини ва икки ўғлининг жасадини кимёвий воситалар билан қотириб қўйибди. Шу йўл билан вафодор эр ва ота ўз яқинларини асраб қолмоқчи эди. Уларни қотириш жараёнида касбнинг тартиб-қоидаларига тўла амал қилди. Расмий кўмиш маросими ўтгач, Эдхард Воннер қабристон қоровулини амаллаб кўндирган, қабрларни очиб, мурдаларни уйига олиб кетади. Тайёр қотган мурдаларни у ўз уйи ертўласида сақлаган ва бу ҳақда ҳеч кимга айтмаган экан.

## АВСТРАЛИЯ ЁКИ АНГЛИЯГА

«Нью-Йорк пост» газетасининг хабарига кўра эстрада юлдузи Майкл Жексон Австралияга кўчиб кетмоқчи экан.

Айтишларича у хотини Дебби билан ажралишгани боис хотинига тегишли бўлган бир неча миллион долларни беришга рози бўлмаяпти. Дебби билан никоҳ шартномасида шундай бўлиши кўрсатилган эди. Қонунга зид иш тутмаган ҳолда артист ўз маблағини сақлаб қолиш мақсадида Австралияга кетаётганининг сабаби бор албатта. Чунки у ерда ажралишаётганлардан олинадиган жарима Америкадагидан анчагина арзонроқ тушар экан.

Лекин «Санди майк» газетасида берилган Майкл Жексон билан интервьюда бундай дейилади: «Қўшиқчи Эдинбургдан унча узоқ бўлмаган «Гленлийн Хаус» деган жойга кўчиб кетмоқчи». Менинг уйим шу ерда бўлишини хоҳлайман, — дейди Жексон. Бу мамлакат ажойиб, одамлари эса олижаноб кишилар»

## Сўранг, жавоб берамиз

**Болаларнинг ҳам оилада яшаш ва тарбияланишда ҳуқуқлари борми? Бор бўлса улар нималардан иборат? Шу ҳақда маълумот беринг.**

**М.Яхшибоева,**
**талаба.**

Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга, бола манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустаснодир.

Бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, ўз манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши, инсоний қадр-қимматлари ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

Боланинг ота-онаси бўлмаганда ёки улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ва бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органи томонидан таъминланади.

* * *

**Эгасиз ашё деганда нима тушунилади? Бундай ашёларни аниқлаш ва ҳисобга олиш қай тартибда амалга оширилади?**

**Ж.Лутфуллаев,**
**муҳандис.**

Эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум бўлган ашё эгасиз ашё ҳисобланади.

Эгасиз кўчмас ашёлар кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатига олувчи орган томонидан тегишли давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризасига мувофиқ ҳисобга олинади.

Эгасиз кўчмас ашё ҳисобга олинганидан кейин уч йил муддат ўтгач, давлат мол-мулкини бошқаришнинг ваколатли органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бу ашёни давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига кирган деб топиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиши мумкин.

Суднинг ҳал қилув қарорига биноан давлат мулкига ўтмаган деб ҳисобланган эгасиз кўчмас ашё уни ташлаб кетган мулкдорнинг эгалигига, фойдаланишига ва тасарруфига яна қабул қилиниши ёки эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга киритилиши мумкин. Эгасиз ашёларни аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби Республика ҳукумати томонидан белгиланади. (Фуқаролик кодексининг 191-моддаси).

* * *

**Петрушка ўсимлигининг ҳидни йўқотиши ҳақидаги суҳбат қулоғимизга чалиниб қолди. Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**С.Олимова,**
**М.Паёзова,**
**уй бекалари.**

Петрушканинг таркибида С дармондориси ва маъданли сувлар сероб. Шунинг учун ҳам ҳар куни овқатдан сўнг петрушканинг бир шохчасини оғзингизга солиб чайнаш билан оғизда пайдо бўладиган нохуш ҳиднинг олдини олган бўласиз ҳамда бир йўла унинг таркибидаги дармондорилардан ҳам баҳраманд бўласиз. Айниқса, милклар шамоллаганда петрушка ўсимлигини чайнаш жуда фойдали бўлади.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

*Меҳр ва мурувват йилида*

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки**

*"МЕҲРИБОНЛИК" деб аталган янги омонат турини таклиф этади*

*Даромад - йилига 37%!*

*омонатга пуллар 2004 йил 5 февралдан 15 мартга қадар қабул қилинади*
*сақлаш муддати — 6 ой*
*дастлабки ва қўшимча қўйилмаларнинг энг кам миқдори — 50000 сўм*
*фоизлар мижознинг истагига кўра қуйидаги шартларда тўланади:*
*- ҳисобварақа очиш чоғида бўнак (аванс) тарзида;*
*- ҳар ойда;*
*- депозит муддати тугаганидан сўнг уларни капиталлаштириб.*

NBU

**МИЛЛИЙ БАНК — ПУЛЛАРИНГИЗ САҚЛАНИШИ ВА ДАРОМАДЛИЛИГИГА КАФОЛАТДИР!**

**Қўшимча маълумотларни 135-42-83, 134-14-14 телефон рақамлари орқали ёки Миллий банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин**
**www.nbu.com**

## ФИЛАТЕЛИСТЛАР ВА ПОЧТА МАРКАЛАРИНИ ТЎПЛОВЧИ ИШҚИБОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!

*Ўзбекистон Адлия вазирлигининг 2004 йил 8 январдаги 586-сонли гувоҳномасига асосан Республикада «Ўзбекистон филателияси» номли филателистлар жамияти ташкил этилди.*

*Шу муносабат билан барча филателистлар ва бошқа марка тўпловчи ишқибозларни 2004 йил 14 февраль соат 10.00 да жамиятнинг умумий мажлисига таклиф этамиз.*

*Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 7-уй.*

*(«Тошкент почтамти» АЖ биноси, 3-қават, 68-хона).*

*«Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси. «Ўзбекистон филателияси» жамияти.*

## «ТОШКЕНТ ИССИҚЛИК МАРКАЗИ» ОАЖ

*шуни билдирадики, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Молия бош бошқармасининг буйруғига мувофиқ жамиятдан бериладиган иссиқлик энергияси тарифи 2004 йил 21 февралдан 1 Гкал иссиқлик энергияси учун қўшилган қиймат солиғисиз 5322 сўм қилиб белгиланади.*

*«Радио деталлари» дўкони ҳар қандай радио деталлари, компьютерлар ва компьютерларни бутловчи қисмлар, электрон техника, аудио ва видео ҳамда ўлчаш аппаратураларини харид қилади ва сотади.*
*Телефон: 68-88-77*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Зуҳриддин Ҳуснидиновга падари бузрукворлари*
***МУЪИНИДДИН** отанинг*
*вафотлари муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.*

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**
*Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*
*Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.*
*Факс: (3712) 133-29-09.*

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Баъзида одамлар орасида ўзгалар мол-мулкига кўз олайтирадиган нопок кимсалар ҳам учраб туради. Ана шундай шахсларнинг содир этган қилмишлари туфайли кишилар ҳам моддий, ҳам маънавий жабр кўрадилар.

Акмал Икромов тумани 12-мавзеида жойлашган 38-уйнинг 20-хонадонида истиқомат қилувчи фуқаро М.Сулаймонованинг ҳам ўз таниши томонидан содир этилган ўғирлик жинояти туфайли қанча асаблари бузилишига тўғри келди. Маълум бўлишича, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида яшовчи, бирор жойда ишламайдиган О.Дилшод номли таниши унинг уйида йўқлигидан фойдаланиб, «Самсунг» русумли телевизори, «ДЭУ» видеомагнитофони, «ДЭУ» аудиомагнитофони ҳамда турли хил кийим-кечакларини ўмариб кетган. Аммо «бировнинг моли ўзгага буюрмас» деганларидек, бу йигитга ҳам танишига тегишли ушбу матоҳлар буюрмади. Аксинча, ҳозирда О.Дилшод мазкур қалтис ҳаракати учун қонун олдида жавоб бермоқда.

● Чилонзор тумани, 9-мавзеида жойлашган 1-«а» уйдаги «Оху Бону» хусусий фирмасининг эшигини бузиб кириб, ўғирлик жинояти содир этилганлиги тўғрисида туман ИИБ Навбатчилик қисмига хабар етказилди.

Воқеа юз берган манзилда ҳозир бўлган тезкор ходимларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида аниқланишича, ушбу ножўя ҳаракатни Андижон шаҳри, Муқимий кўчасида яшовчи, бирон жойда ҳалол меҳнат билан шуғулланмайдиган Д.Кирилл амалга оширган экан. Айбдорнинг эндиликда ўғирлаган ашёвий далиллари, яъни нархи 55.000 сўмлик пойабзал, бир дона қўл соати ҳамда битта эркаклар пальтоси учун боши ҳам бўлиб қолди.

● Ушбу туманнинг 10-мавзеида жойлашган автомобиллар цехи биносида ҳам ўғирлик жинояти юз берди.

Маълум бўлишича, ушбу цехда фаолият юритувчи тадбиркор, Юнусобод тумани, 7-мавзе, 25-уй, 29-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро А.Ниғматуллаевга тегишли, нархи 106.000 сўмни ташкил этувчи тўрт дона автомобиль аккумуляторларини ўғирлаб кетган шахс Қизил Шарқ кўчасида яшовчи ҳеч қаерда ишламайдиган Х.Сардор бўлиб чиқди. Ҳозирда мазкур жиноий ҳолат юзасидан ИИБ тергов бўлимида суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

● Маълумки, бугунги кунда аср вабоси деб ном олган гиёвандликка қарши бутун ер юзи халқлари кескин кураш олиб бормоқда.

Аммо шунга қарамай, айрим нопок кимсалар инсон саломатлигига қаттиқ салбий таъсир етказувчи ушбу ашё ортидан мўмай даромад орттиришни ёки унинг маълум муддатли кайфидан роҳат олишни кўзлаб қалтис жиноятга қўл урмоқдалар. Яқинда, Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари томонидан ана шундай ножўя ҳаракатларни содир этган шахслар ашёвий далиллар билан ушландилар. Жумладан, Яккасарой тумани, Бобур кўчасидаги 67-уйнинг олдида бир фуқаро ҳаракатларидан бирмунча шубҳали кўринганлиги боис, милиция ходимлари томонидан тўхтатилиб, текшириб кўрилганда, унинг ёнидан 179, 95 грамм «марихуана» моддаси топилди. Тошкент вилояти, Зангиота туманида яшовчи, бирор жойда ишламайдиган, муқаддам судланган Д.Геннадий энди мазкур қилмиши учун қонун олдида жавоб беради.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази инспектори.**

*Бўш вақтингизда*

## «ҲИКМАТЛАР» МУАММОНОМАСИ

**Азиз оқшомхон! Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг қуйидаги мисраларда келтирилиб рақамларда ифодаланган ҳикматларидаги сўзларни топиб очқични ҳал этинг.**

1. Ажаб 18, 1, 4, 11, 1, 9 эрур қолса яхшилик билан от.

2. Агар яхшилик кимга афъолдур, жазоси анинг 21, 1, 7, 23, 2, иқболдур.

3. Ўзингни 6, 20, 8, 7, 1, 9 куни овутдинг,
Не ғам келса даврондин, осон тутдинг.

4. Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини,
Кўрма, ким дер ани, 5, 22, 3, 21, 2, 10 ким не дер.

5. Улки зафар шевасини 9, 1, 14, 3 этар,
Элга деманким, ўзига жавр этар.

6. Иста ато йўлида фидо жон қилмоқ,
Қуллуқ аноға улча имкон қилмоқ, Зуҳри абад истасанг фаровон қилмоқ, Билани ато-аноға 15, 8, 18, 4, 7. қилмоқ.

7. Оз иш учун банду итоб айлама, Қатлу сиёсатда 17, 2, 9, 4, 13. айлама.

8. Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд, 24, 1, 18, 9 этар у ҳайлни чархи баланд.

9. Сиҳат тиласанг кўп ема, 2, 19, 19, 1, 9 тиласанг кўп дема.

10. Ҳар кишиким ким бировга қозғай чоҳ, 9, 16, 17, 5, 1, 12 ул чоҳ уза ўзи ноғоҳ.

Энди жавоб сўзлари асосида шаклдаги рақамларда яширинган муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан буюк ижодкорнинг яна икки ҳикматли мисралари аён бўлади.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

| | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 13 | 2 | 3 | 4 | 14 | 5 | 2 | 6 | 0 | 1 | 7 | 21 | 1 | 0 | 8 | 2 | 6 | 6 |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 |
| 0 | 5 | 20 | 10 | 11 | 2 | 0 | 8 | 2 | 6 | 6 | 1 | 9 | 11 | 1 | 7 | | 9 |
| 5 | | | | | | | | | | | | | | | 0 | | 0 |
| 2 | | 1 | 10 | 2 | 17 | 20 | 3 | 0 | 7 | 1 | 14 | 4 | 2 | 12 | 7 | | 13 |
| 10 | | 0 | | | | | | | | | | | | | 2 | | 22 |
| 5 | | 1 | | | | | | | | | | | | | 17 | | 10 |
| 2 | | 7 | | | | | | | | | | | | | 4 | | 11 |
| 9 | | 4 | | | | | | | | | | | | | 7 | | 2 |
| 2 | | 6 | | | | | | | | | | | | | 1 | | 0 |
| 13 | | 1 | | | | | | | | | | | | | , | | 13 |
| . | | 19 | | | | | | | | | | | | | 5 | | 1 |
| 11 | | 0 | | | | | | | | | | | | | 2 | | 10 |
| 7 | | 2 | | | | | | | | | | | | | 0 | | 1 |
| 1 | | 11 | | | | | | | | | | | | | 8 | | 7 |
| 6 | | 9 | | | | | | | | | | | | | 2 | | 11 |
| 16 | | 15 | | | | | | | | | | | | | 6 | | , |
| 23 | | 0 | 9 | 18 | 1 | 24 | 0 | 2 | 7 | 19 | 2 | 18 | 9 | 1 | 6 | | 15 |
| 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | 3 |
| 1 | 0 | 4 | 2 | 1 | 0 | 2 | 10 | 8 | 1 | 0 | 6 | 1 | 11 | 4 | 0 | 3 | 16 |



**Газетанинг шу йил 29 январь сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**

**Энига:** 6. Шумахер. 8. Доривор. 9. Радон. 10. Турон. 11. Сурат. 12. Питра. 14. Андалиб. 15. Акробат.

**Бўйига:** 2. Полимер. 3. «Сегоҳ». 4. Саратон. 7. Рақиб. 8. Доира. 12. Пирамон. 13. Аксиома. 16. Булут.

**Ёйлар бўйича:** 1. Кактус. 5. Заргар. 17. Ананас. 18. Канада.

**Катаклар бўйича «занжир»** ҳолида. 19. Дол. 20. Лев. 21. Вал. 22. Лантан. 23. Нов. 24. Ван. 25. Наф. 26. Фарада. 27. Амр. 28. Рух. 29. Хок. 30. Кабина. 31. Анд. 32. Дук. 33. Куз. 34. Зумрад. 35. Ном. 36. Мадрид. 37. Дуб. 38. Болтиқ. 39. Қуш. 40. Шарбат. 41. Ток. 42. Казеин.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Каъба. 2. Темир. 3. Най. 4. Куч. 5. Дўл.

**Ҳикмат: Тинчликдан кўра улкан неъмат бўлмайди.**

## ТИЛЛА ЗИРАК ЎҒРИСИ

*(Бўлган воқеа)*

Кичкина Моҳигул мактабдан қайтаётганди. Рўпарасидан келаётган онаси тенги аёл унга кулимсираб қараркан, қизча худди «таниш хола»ни кўргандек, саломлашди:

— Ассалому алайкум.

— Ваалайкум ассалом, вой қизим, ўзим ҳам сени излаб кетаётгандим. Онанг ҳали мактабдан келмаганингни айтди. Мени танимадингми, Хатира холангман, ойинг билан бирга «гап» ўйнаймиз.

Моҳигул бир зум талмовсираб турди-да, бошини чайқаб «йўқ» ишорасини қилди.

— Эсингдан чиққан кўринади. Ойингдан сўрасанг, яхшилаб таништириб қўяди, — деди бояги аёл. — Ойинг менга қизимнинг зирагини тозалаб беринг, дея илтимос қилганди. Уйларингга бориб овора бўлиб ўтирраманми, шу ерда ечиб ола қолай. Ювиб, ярақлатиб бераман. Ойингга айт, Хатира холам эртага обкеб бераркан, дегин, хўпми?

Моҳигул нотаниш холага «хўп» деди-ю, унинг ёрдамида тилла зиракчасини ечиб берди. Аёл у билан хайрлашиб, лўппи юзчасидан ўпиб ҳам қўйди. Сўнгра шоша-пиша илдамлаб кетди.

Қизча уйга келиб бўлган воқеани онасига айтганида, Лола опанинг ранги қув ўчиб, ўтириб қолди. Ахир, ҳозир қиймати 50-60 мингдан кам эмас ўша зиракнинг. Ким экан Хатираси, илоё, олгани буюрмасин!

Лола ўзига келгач, соддадил Моҳигулни уриша кетди. Кейин унинг мунчоқ-мунчоқ ёшига лоқайд қараб туролмади-да, синиқ овозда уқтирди:

— Зирагингни йўқотганингни дадангга айта кўрма!

Кечки овқатни ҳардамхаёл пиширган Лола опа қизи айтган кўчани бир эмас, ўн марталаб кезиб ҳам ўша қизил кўйлакли аёлни тополмади. Милицияга хабар беришга эридан қўрқди, чунки Собит ака тилла зирак олишга астойдил қаршилик кўрсатган, «муштдай болага тилла тақишга бало борми? Ундан кўра ўқишини кузат» дея тинимсиз танбеҳ берарди.

Орадан бирор ҳафта ўтмай, Моҳигулнинг синфдошларидан яна иккитасининг тилла зираги йўқолди. Уларнинг оналари айюҳаннос солиб мактабга келишди. Лола опа эса бормади ҳам, бу нохуш хабарни эрига билдиришдан чўчиди.

Кунлардан бир куни Лола опа қизини мусиқа мактабига етаклаб бораркан, Моҳигул дабдурустдан «Ойи, ана ўша Хатира хола!» дея бақириб юборди. Кўча муюлишида қоп-қора, қават-қават кийим кийган, хунук бир аёл писта сотиб ўтирарди. Гапирганда оғзидан тупуги сачраётган аёлни кўриб, Лола опанинг эти сесканиб кетди. «Аёл ҳам шунақа бесўнақай бўладими? Нима деб гап бошласам экан-а?»

Қизининг қўлидан маҳкам тутганча, пистачига яқинлашди.

— Хатира опа сизмисиз? — Лола опа нафратини аранг ичига ютиб гапирди. — Қизимнинг зирагини қайтариб беринг, опа.

— Нима? — бояги аёлнинг кўзлари олакула бўлиб кетди. — Қанақа зирак, кимсан ўзи? Қанақа зирак?!

Дабдуруст ҳужумдан Лола опа эсанкираб қолди. Моҳигул қўрққанидан опасига маҳкам ёпишиб олди. Бирпасда атрофга тўрт-беш томошаталаб йиғилди.

— Мен сенга Хатира эмасман, менинг исмим Саодат, билдингми?!

Одамлар нигоҳидан уялган Лола опа ўзини нари олди. Бу нусхадан қутулиш осон эмас чоғи, яхшиси, Худо йўлига садақа қилгани бўлсин, боласининг бошидан соқит...

У бўғзига тиқилган хўрсиниқни аранг ютиб, атрофдагиларга жавдираб қаради. Нотаниш чеҳралар бир унга, бир шаллақи пистачига боқишарди.

— Манови пандавақи менга туҳмат қиляпти, мусулмон бўлмай ўл! Қизининг зирагини ўғирлаб олганмишман, қани, исботла?!

Ўзига қараб ҳезланиб келаётган жирканч қиёфадан аранг қочган Лола опа йиғлаб юборай деди. Қаекданам шунга рўпара бўлди ўзи? Бир ёқда Моҳигулнинг капалаги учиб, ранги докадек оқариб кетди. Бечора қизча қўрққанидан қайтиб «Ойи, шу хола зирагимни ечиб олган» деб айтолмади ҳам. Она-бола мусиқа мактабини ҳам унутишиб, орқаларига қайтишди.

Шу-шу Лола опа қайтиб тилла зирак тўғрисида эсламасликка аҳд қилди. Ҳа, ёмоннинг қўлидан ҳар бало келиши аниқ. Саодат, сохта «Хатира хола» эса писта сотадиган жойини тезда ўзгартириб олди. Тўғри-да, билиб қолишлари мумкин...

**Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 5576 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-307. 1 2 3 4 5 6